

“АВЕСТО”ДА ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

Сапаров Б. Б.

Ижтимоийи фанлар кафедраси доценти

Алфраганус Университети

РЕЗЮМЕ:

Мақолада қадимий аجدодларимизнинг ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида буюк маънавий меросимиз “Авесто”да илгари сурилган фикрлар ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Авесто, Зардушт, Ахура Мазда, Вандидод, Гохлар, Ясна, ҳуқуқий маданият, тарбия, ер, сув, конун, жиноят, жазо.

РЕЗЮМЕ:

В статье речь идет о мыслях, выдвинутых в “Авесто”нашим великим духовным наследием о правах и обязанностях наших древних предков.

Ключевые слова: Авесто, Зороастр, Ахура Мазда, Вендидод, Готы, Ясна, правовая культура, воспитание, земля, вода, закон, преступление, наказание.

RESUME:

The article talks about the rights and duties of our ancient ancestors, about the ideas put forward in our great spiritual heritage “Avesto”.

Keywords: Avesto, Zoroastr, Ahura Mazda, Vendidod, goths, Yasna, legal culture, upbringing, land, water, law, crime, punishment.

Зардушт яшаган замон ибтидоий муносабатлар ўрнини синфий жамият, қадимий давлатчилик асослари эгаллаётган давр эди. Бу даврнинг шаклланиши учун кучли ғоявий мафкура зарур бўлиб, маҳаллий- қабилавий динлар жамият тараққиётининг янги босқичига тўсқинлик қилувчи кучга айланган эди. Бу мураккаб замонда ўлканинг турли қабилаларини бирлаштириш орқали илк бор буюк давлатчилик ғояси атрофида мужассамлаштириш зарурияти туғилди. Ана шундай заруриятни тушунган илғор кишилардан бири Зардушт эди. У кўп ҳудодлик тасаввурига, табиат ҳодисаларига сиғинишни инкор этиб, якка ҳудодликни тарғиб қилди. Зардуштнинг бошқалардан фарқи шундаки у ўта истеъдодли шоир, илоҳиёт билимдони, файласуф олим эди. Ягона худога ишонишгина жамиятни янги тараққиёт босқичига кўтара олади, деб ҳисоблар эди.

Эрамиздан аввалги III асрда Марказий Осиёда азалдан яшаб келаётган туркийлар, форсийлар, тохарлар, дахлар, массагетлар, бактрияликлар, парканаликлар, хоразмликлар, чочликлар ва бошқа халқларнинг аксарияти ўтроқ ҳаётга, деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликка ўта бошлаган.

Бу эса қадимги Суғд, Марв, Балх, Ҳирот, Парфия ва бошқа ўлкаларда марказлашган давлат тизими асосларининг яратилишига шароит туғдирди. Жумладан “Авесто”нинг “Вандидод” китобида олий тангри яратган 16 та давлатга оид маълумотлар учрайди. Унда мамлакатнинг ҳудудий- маъмурий ва сиёсий- ҳуқуқий бошқарув тизими қандай ташкил этилганлиги баён этилган. Давлатни шоҳ-“кави” идора қилган, оилаларнинг бирлашмаси-“нмана”, оила жамоаси- “дмана”, катта оила жамоаси бошлиғи-“нманапати”, уруғ жамоаси бошлиғи-“Вис”, катта қишлоқ оқсоқоли-“Виспати”, қабила бошлиғи-“зантупати”. Вилоят ҳокими- “дахиюпати”, бир неча вилоятларнинг ҳукмдори ва қабилаларнинг ҳарбий бошлиғи- “дахию-састир”лардан ташкил топган, қонун чиқарувчи Олий орган- оқсоқоллар Кенгаши- “варзанапти” деб юритилади. Давлат бошқаруви сиёсий- ҳуқуқий тамойиллар асосида амалга оширилган. Коҳин олий судя вазифасини бажарган. Уни “Заратуштроэма” деб аташган.

Биринчи Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек “Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибаси, диний, ахлоқий, илмий, адабий қарашларини ифода этадиган бу қаби тарихий ёдгорликлар орасида бундан қарийиб уч минг йил муқаддам Хоразм воҳаси ҳудудида яратилган, “Авесто” деб аталган бебаҳо маънавий обида алоҳида ўрин тутди”¹

“Авесто”да Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг ҳуқуқий қарашлари ўз ифодасини топган. Унда ҳуқуқий қоидалар тартибли тарзда берилмаган бўлса ҳам ўша даврнинг ҳуқуқий муносабатларини акс эттиради. Ҳозирги замон тасаввурларидан келиб чиққан ҳолда “Авесто”да жиноят ва жазо, фуқаролик, оила ва никоҳ, мулк, ер- сув билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи ҳуқуқий соҳаларни ажратиш кўрсатиш мумкин. Ахлоқий қоидалар сингари ҳуқуқий қоидалар ҳам “Авесто”да диний руҳ билан суғорилган. Улар ҳам худо томонидан ўрнатилган илоҳий қонунлар бўлиб, бош ҳакам сифатида худо Аҳура Мазданинг ўзи кўрсатилган.

“Вандидод”нинг (“Девларга қарши қонун”)нинг 13,14-бобларида сувни тежаш, уни қадрлаш, ундан унумли фойдаланиш ҳақидаги қоидалар битилган. Унда ҳар куни экинни икки марта суғориш мумкинлиги, ҳар бир экин экувчи бир белкурак кенглик ва чуқурликдаги ариққа сиғадиган сув олишга ҳақли эканлиги, сувни тақсимлаш билан коҳинлар шуғулланиши, сувни ифлослантиришни тақиқловчи қоидалар битилган. Бу қоидаларни бузганларга нисбатан мажбурий меҳнатга жалб қилиш жазоси белгиланган.

¹ И.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т.: Маънавият, 2008. Б.-31.

Қадимги даврларда ва ўрта асрларда ҳам худди “Авесто”да тасвирланганидек суд жазоси ўзининг шафқатсизлиги билан ажралиб туради. Жазолаш воситаси сифатида, ўт ва қиздирилган темир ва бошқа воситалар қўлланилган. Айбдорларга қамчин билан уришдан тортиб то ўлим жазосигача қўлланилган. “Авесто”да атроф- муҳитни (ер, сув, ҳаво) ифлослантиришни жиноят деб билиб, ана шундай ҳаракатларни содир қилган шахсларни тан жазоси билан ёки 400 қамчи билан жазолашни назарда тутган. Бироқ тан жазоси бошқа мажбурияти билан ҳам алмаштирилиши мумкин бўлган. Бундан шу нарсани англаш мумкинки, “Авесто” жамиятда ҳуқуқий маданиятни оширишга ва ҳуқуқ манбаси сифатида кўпгина ижтимоий муносабатларни тартибга солишга хизмат қилган. Ундаги тартибга солиш, жазо усули юксак инсоний қадр- қимматларга асосланган. У табиат, ер, сувни муқаддас деб билган ва уларга қарши чиққан ёвуз кимсаларни жазолаган.

“Эй, Сипийтмон Зардушт! дейилади муқаддас манбада:

Ҳеч ким сув ва ёниб турган олов қаршисида густоҳлик қилмасин. Ҳеч ким ўз қўшнисидан олган омонатидан тониб, ёлғон сўйламасин”.

“...Сув ва ёниб турган олов қошида қасамини бузган одамнинг ёзуғи авф этилмасдир. У иккинчи дафъа тавбага кўз тутолмагай”.

“Покиза сув ва ёниб турган олов қаршисида густоҳлик қилган зотнинг дўзахда топғуси жазоси бу дунёнинг жамийки дарду озорларидан мудҳишдир”. (“Авесто”. Вандидод, 4- Фаргард, 121-122 бетлар).

“Авесто”да ердан унумли фойдаланиш, уни ифлосланишдан сақлаш ҳақидаги қоидалар, уларга риоя қилмаслиқнинг ҳуқуқий оқибатларига алоҳида ўрин ажратилган. Одам ёки ит ўлигини ерга кўмиб, уни олти ойгача қазиб олмаган киши минг дарра, агар бир йилгача қазиб олмаса икки минг дарра билан уриш кўрсатилган. Табаррук манбада оилавий муносабатларни тартибга солишга қаратилган кўплаб қоидалар мавжуд.

“Авесто”да жамият бир бутун ижтимоий тузум сифатида тасвирланади ва бунда давлат муассасалари билан жамоат ташкилотлари баҳамжиҳат фаолият кўрсатишлари кераклиги таъкидланади.

Жамиятда эса шоҳ, бош вазир, вазирлар, бош мўбод(коҳинлар сардори), қўшин бошлиқлари, сарбозлар, олимлар, мударрислар, табиблар, устоз, муаллимлар, воизлар, ҳунармандлар, деҳқонлар, чорвадорлар, раис, боғбонлар, мироб, котиб ва шу сингари ижтимоий табақалар бўлиши айтилади. Улар тавсифланиб, ҳуқуқ ва бурчлари батафсил баён этилган.

Жамиятни бошқариш учун Илоҳий Низом ва Одил Низом(Оша) зарурлиги айтилиб, давлат маҳкамаларида ва жамоат ташкилотларидаги барча йўналишлар шу Низомлар доирасида фаолият кўрсатишлари керак бўлади. Илоҳий Низом талаблари “Авесто”нинг

“Вандидод” ва “Ҳот” дафтар(китоб)ларида баён этилган. Илоҳий Низомларга кўра одам фаолиятининг барча йўналишлари эзгулик руҳи билан суғорилиши шарт бўлган. Ахура Мазда одамларни эзгу фикратда, эзгу каломда ва эзгу амалда сусткашлик қилмасликка даъват этади.

Оламни яратган, эзгулик нурини таратган ва одамлар фаолиятини ўз фаришталари орқали назорат қилиб борадиган Ахура Мазда(Ягона тангри) “Вандидод”да одамлар ёмон фаолиятлари учун шу ёруғ дунёда жазоланиши кераклигини Зардуштга тайинлайди. Масалан, кимда- ким бида туриб дин ва эътиқодни бир зардуштийга ўргатмаса арзон ўлим билан жазоланиши кераклиги айтилади.

Таълим ва тарбия жараёнида устоз ва шогирд бурчи ҳамда маъсулияти Низом- қонунда белгиланган. Бунга кўра Устоз Ахура Мазда ўғитлари ва талабларини қандай бўлса шу мазмунда ўқувчига етказиши керак бўлган. Ўқувчилар илоҳий ва дунёвий Низом талабларини яхши ўзлаштириб олишлари зарур бўлган. Қизлар 7 ёшдан 15 ёшгача, ўғил болалар эса 7 ёшдан 17 ёшгача ўқиши мажбурий ҳисобланган. Кейин ихтиёрий равишда ўқишни давом эттириши мумкин.

“Авесто”нинг Ясна,32- Ҳотида ёмон тарбиячилар ва уларнинг фаолияти қораланади. Жумладан, бу ҳолат қуйидагича ифодаланган:

“Ёмон тарбиячи ўз таълими билан илоҳий сўзларни тескари қилади ва тириклик гидрокини хароб айлайди.

Ҳақиқатда, у одамларни ростликнинг бебаҳо сармоясидан ва Эзгу Ниятдан баҳрасиз айлайди”.

Эй, Мазда! Эй, Ашах- Ҳақиқат! дейилади манбада:

“Ҳақиқатда, ўшалар тирикликни тубанликка итариб ташлашади. Улар каззоб дурвандларни улуғ санаб, кўкларга кўтарадилар. Аёл ва эрларни илоҳий каломлардан баҳрасиз қиладилар.

-Эй, Мазда!

Улар ҳақиқат йўлидаги ашаванларга ғов бўладилар”.

“Улар бу таълимотлари билан инсонларни энг солиҳ амаллардан манъ этадилар.

Улар оламлар аҳли тириклигини ўзларининг адаштиргувчи ҳукмлари билан паришон этадилар”. (“Авесто”. Ясна, 32- Ҳот, 14 бет)

Бу фикрлар давом эттирилиб, 33- Ҳотда:

“Ҳар ким бу дунёда тирикликни бунёд этгувчи қонун бўлган Ашах- Ҳақиқат таълимоти асосида яшаши лозим”лиги уқтирилади.

Шу Ҳотнинг 2, 3- бандларида қуйидаги фикр билдирилади:

“Ҳар ким андиша, сўз ёхуд икки кўли билан дурванд- ёлғон билан курашса, унинг издошларини яхши йўлга бошлаёлса, Мазда Ахуранинг мухаббатини қозонади”.

“-Эй, Ахура!

Ҳар ким ҳақиқат йўлидаги ашаван билан- хоҳ қариндоши, хоҳ ҳамкори, хоҳ дўст- ёри бўлсин- энг яхши алоқада бўлса ва кимда- ким ўз ғайрати туфайли мавжудотни ҳифз-ҳимоя айласа, у Ҳақиқат- Ашаҳ ва Эзгу Ният саройида абадий саодатга восил бўлади”.

“-Эй, Мазда!

Мен Сени ардоқлайман ва Сендан ўтинам: ишончсизлик ва сустниятлилик ўртадан кўтарилсин. Қариндош- уруғлар калтафаҳмлиқдан; ҳамкорлар яқинлар алдовидан; дўст-ёрлар фитна аҳлидан омонлиқда бўлиб, олам ёмон раҳбарлардан халос бўлсин”. (“Авесто”. Ясна, 33- Ҳот, 15 бет)

“Авесто”да оила- никоҳ масалаларига алоҳида эътибор берилади. Эр-хотиннинг бир-бирига хиёнат қилганлиги, никоҳсиз эр-хотинлик муносабатида бўлганлик учун тан жазоси белгиланган. Унда яқин қариндошлар билан қон қўшилиши, никоҳ қилиниши, айниқса, подшолик тахтини мустаҳкамлашга асос солувчи, шоҳлар оиласидаги ўзаро никоҳ диёнатли ҳисобланарди.

Ўша даврда эркаклар роппа- роса 16 ёшдан уйланиб, бир нечта хотин олиш ҳуқуқига эга бўлган. Ҳамма вақт биринчи хотин бошқаларига бош бўлган. Умуман, зардуштийликда оилавий бурч ва фарзанд тарбияси алоҳида ўрин тутди.

“Авесто” саҳифаларини кўздан кечирар экансиз унда ҳозирги замон ҳуқуқининг асосий тамойиллари ва қоидалари ўз ифодасини топганига ишонч ҳосил қиласиз. Чунончи берилган сўз, олинган мажбурият ва қасамни қатъий туриб бажариш зардуштийлик эътиқодлари бўйича ниҳоятда қадрланган. Шунингдек, савдо- сотиқ ишларида мажбурият ва шартномаларга қатъий амал қилиш, омонатни, яъни қарзни ўз эгасига вақтида қайтариш каби иймонлилик ва диёнатни англатувчи эзгу ҳислатлар доимо қадрланиб келинган. Таъкидланишича, агар қарз олган одам қарзини вақтида қайтариб бермаса, барибир у тунда бировнинг уйига ўғрилиққа кирган одамга ўхшайди. Бу ҳолат “Авесто”нинг “Вандидод” қисми тўртинчи фаргардида қуйидагича изоҳланади: “Кимда-ким қарзни ўз эгасига қайтармаса, унинг бу амали ўша омонатни ўғирлаган билан баробар бўлади. Қарз олган киши омонатни уйида сақласа, ҳар кун ва ҳар тун унга қўл урса ва ўзиники, деб гумон қилса, унинг бу амали омонатни иккинчи марта ўғирлаган билан баробардир”.

(“Авесто”, Вандидод, Тўртинчи Фаргард, 116 бет).

Қасам ичиб, аҳд қилган киши ўз аҳдини бажармаган тақдирда унга процессуал нормалардан Ордалия(синаб кўриш ёки жазо бериш) қўлланилган. Жумладан, “Авесто”да ичилган қасам ҳам олти турли бўлиши кўрсатилган:

“-Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Қасамларнинг саноғи нечадир?

Ахура Мазда жавоб берди:

-Менинг қасамларим олтита: биринчи- сўз қасами; иккинчи-қўл қасами; учинчи-қўй қасами; тўртинчи-сигир қасами; бешинчи-одам қасами; олтинчи-экин қасами; энг яхши, энг обод, энг серҳосил заминдаги экин”. (“Авесто”, Вандидод, Тўртинчи Фаргард, 117 бет).

Муқаддас манбада ҳар бир ичилган қасамнинг жавобгарлиги, уни бузганларга бериладиган жазо турлари ҳам аниқ белгилаб берилган:

“-Эй, дунёни яратган Зот! дейилади “Авесто”да,

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким сўз қасамини бузса, гуноҳининг жазоси нечук?

Ахура Мазда жавоб берди:

- Уч юз қамчини аспаҳиҳ- ашатра билан, уч юз қамчин саравушу- чарана билан саваланади”.

- Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким одам қасамини бузса, гуноҳининг жазоси нечук?

Ахура Мазда жавоб берди:

- Тўққиз юз қамчин аспаҳиҳ- ашатра билан, тўққиз юз қамчин саравуш- чарана билан саваланади”.

-Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким экин қасамини бузса, гуноҳининг жазоси нечук?

Ахура Мазда жавоб берди:

-Минг қамчин аспаҳиҳ- ашатра, минг қамчин саравашу- чарана билан саваланади”. (Авесто”. Вандидод, 4- Фаргард, 117-118 бетлар)

“Авесто”да жинойтларни ҳуқуқий жиҳатдан тўғри баҳолашда, уларнинг объектив, яъни ҳаққоний томонини аниқлашга катта аҳамият берилган.

Зардуштийлик таълимотига кўра ёлғон гапириб гувоҳлик бериш, бировни алдаш гуноҳ, яъни жинойт ҳисобланган. Зардушт ўз таълимотидан сабоқ олгани йиғилган кишиларга буни қуйидагича тушунтирган. “Ҳамиша ҳақиқат ва ростликка амал қилсанг забардаст ва қудратли бўлғайсан” деб таъкидлайди.

“Ҳақ сўздан ўзга ҳеч нарса тўғрисида ўйлама, ҳақ сўздан ўзга ҳеч нарса ҳақида суҳбатлашма, ҳаққоний амалдан ўзга ҳеч нарса билан шуғулланма.

Ёлғон гапириб тирик қолгандан кўра рост гапириб ўлган яхши. Ўз нафсини енгиб жиловлаб ололмаган киши, ҳеч нарса устидан ғолиб чиқолмайди”.

Ёмонлик, ёлғоннинг оқибати хорлик эканлиги, бу ишлар ёвуз кучлар, девларнинг кирдикорлари эканлиги танқид қилинади:

“-Эй, девлар! дейилади манбада:

Сизнинг барчангиз қабих ниятга қариндошсиз. Сизларни азалдан қўллаб-қувватлаб, асраб- авайлаб келаётган куч каззоб ва худбинликдан ўзга нарса эмас.

Бу ёлғон ва мунофиқона амалларингиз билан етти иқлимга ном таратдингиз ва охир-оқибат шарманда бўлдингиз”.

“Шу йўл билан сизлар одамларни чалғитдингиз, улар энг қабих амалларга қўл урдилар ва девларнинг муҳиблари деб ном қозондилар”.

“Шунингдек, қабих ният жаҳонни хароб қилиш мақсадида сизга ва дурвандларга ўргатган ёвуз андиша, калом ва амал воситасида одамларни алдадингиз ва абадий саодатдан бебаҳра қилдингиз”. (“Авесто”. Гоҳлар, Ясна, 32- Ҳот, 13 бет)

Келтирилганлардан кўринадики, зардуштийлик таълимотида ростлик ва ҳақиқат учта маънавий – ҳуқуқий ғояга асосланади: эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амал. Зардушт бу учликка амал қилган кишининг қалби беҳад покиза бўлғай деб уқтиради.

Бундан ташқари “Авесто”да кимки итни урса ҳаёти қийинчиликда ўтиши, агар ит оч бўлса уни овқатлантириш кераклиги, ит боласи олти ойлик бўлганда етти яшарлик итнинг овқатини бериш зарурлиги, боласи бўлган итни урган киши оғир жазога маҳкумлиги, итни урган ёки ҳақорат қилган кишилар абадий бахтсизликка дучор бўлиши, итлар садоқатли кўриқчилар эканлиги батафсил баён этилган.

Профессор Ҳ.Ҳомидий фикрича, “Вандидод”даги ҳуқуқий қарашларни-жиноятларни шартли равишда қуйидагича тасниф этиш мумкин:

- 1.Динга қарши жиноятлар: ғайридин билан никоҳга кириши коҳинни ҳақоратлаш, мансабини суистмол қилиш.
2. Шахсга қарши жиноятлар: хужум, таҳдид солиш, ҳомилани тушириш, аёлга ҳомиладорлик пайтида шикаст етказиш.
- 3..Ҳайвонларга, уй ҳайвонларига, хусусан, турли хилдаги итларга қарши жиноятлар.
- 4.Мулкий жиноятлар: ўғирлик, қароқчилик, паймоншиконлик, талон- тарож, босқинчилик.
- 5.Ахлоқий жиноятлар: фоҳишабозлик, зўрлаш, эр-хотинларнинг хиёвати, қасддан оила қурмай юриш, никоҳ қоидаларини бузиш, зино, хиёнат.
- 6.Табиатга қарши жиноят: ер, сув, ҳаво, оловни асраш қоидаларини бузиш, ернинг мелиоратив ҳолатига қарамаслик, атроф- муҳитни муҳофаза қилиш қоидасини, жамоат ва шахсий гигиенани бузмок, боғ-роғ, резаворга зарар етказмок, сувни исроф қилмок, бетартиб бутазор яратмок, дарахт ўтказмок.²

² Ҳ.Ҳомидий. Авестодан Шоҳномага.Т.,Шарқ, 2007, 106 бет.

“Авесто”да барча жиноятларга бериладиган жазоларнинг аниқ меъёрлари белгилаб қўйилган. Масалан, денгиз кучугини ўлдирганга белгиланган жазо билан чўпон итини ҳалок этганнинг жазосида ҳам, жаримасида ҳам жиддий фарқ бор. Ёки ҳовуздан ювилмаган кўзада сув олган билан бугдойзорни пайҳон қилган, дарахтнинг шоҳини синдирганга бериладиган жазолар ҳам ўзаро фарқ қилади. Кўриниб турибдики, гуноҳ учун бериладиган жазо тартиблари қатъий низомга, қонун тусига кирган бўлган. Муқаддас манбада қайд этилганидек, дарахтнинг бир шоҳини синдирган ҳам, нопок кўзани ҳовузга солган ҳам 25 қамчи калтакланиш билан жазоланган. Турмушга чиқиб зурриёт қолдириш кераклигини унутган балоғат ёшидаги қизлар қопга солиниб 50 қамчи калтакланган. Балоғатга етиб, уйланмай юрган йигитлар эса темир камар боғлаб юриши шарт бўлган.

“Авесто”да оила мустаҳкамлиги, аёл эрки, хотин- қизларнинг жамоат ишлари, ибодат маросимларида эркаклар билан тенг иштироки ҳам алоҳида таъкидланган.

Зардуштийликда бир эркакка бир никоҳ раво бўлган, холос. Эр- хотиннинг бир-бири билан келиша олмаслиги, келиннинг қайнана ва қайнатага ёқмаслиги, фитна, бўҳтон, чақимчилик туфайли оиланинг бузилиб кетишига маҳалла- кўй, жамоатчилик сира йўл қўймаган. Никоҳ томонларнинг бирида жинсий ёки руҳий ноқислик мавжуд бўлган тақдирда ёки хиёнат содир этилган ҳолдагина бекор қилинган. Зино ва зинокорлик қаттиқ қораланган. Зинокорлар 14 та ариққа кўприк солиб бериш билан ўз гуноҳларини ювиши мумкин бўлган. Шунингдек, “Вандидод”да яйлов ва экинзорларни пайҳон қилган, хонаки ҳайвонлар, ов ёки чўпон кучугига озор етказган, уларни қасддан ёхуд билмай ўлдириб қўйганларга қўлланиладиган жазо, жарима, тартиб, меъёрлари ҳам батафсил баён қилинган.

Ижтимоий ёки хусусий мулкка кўз олайтирган ва уни ўғирлаганлар, қароқчи ва йўлтўсарлар ўлим жазосига ҳукм қилинган. Бировнинг жонига қасд қилганлар Ватан хоини сифатида дорга осиб ўлдирилган. Ўлим жазосига ҳукм қилинганлар ҳукм ижро этилгунга қадар канал қазиш, ҳовуз ва қудуқлар кавлашда ишлатилган.

Умумлаштириб айтганда тарихий қонун- қоидаларни ўзида мужассам этган бу китобда ҳозирги ҳуқуқшуносликнинг турли соҳаларига- жиноят ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, оила- никоҳ ҳуқуқи, экология ҳуқуқи, аграр ҳуқуқига доир кўплаб қоидаларни учратиш мумкин. Албатта бу қоидалар ўша давр муҳити учун хос бўлган ва адолат тантанасига хизмат қилишга қаратилган сўзлардир. “Авесто”даги ҳуқуқий қарашларни бугунги ҳуқуққа кўчириб бўлмасда, ундаги кўпгина ғоялардан ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шунини ҳам айтиш керакки, ўша даврда жиноят учун одамларга оғир жисмоний жазоларнинг берилиши уларнинг жиноят содир этишларининг олдини олишга қаратилган усуллардан эди .

Бугунги ҳуқуқ нормалари ва жазо чоралари жиноятни ахлоқан тузатиш ва тарбиялашга қаратилган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “биз демократик ислохотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Қанчалик қийин бўлмасин, фақат олдинга- янги , юксак марралар сари бораверамиз”³. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да баён этилган инсонларнинг ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятлари тўғрисидаги бебаҳо пандар ва фикрлар ҳозир ҳам долзарблигини сақлаб қолмоқда. Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнида халқимизнинг бебаҳо маънавий мероси “Авесто”да илгари сурилган ҳуқуқий маданият соҳасидаги ибратли ғоялардан одамларни, хусусан ёшларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда фойдаланиш зарур деб ўйлаймиз.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., Ўзбекистон, 2017.- Б.-
2. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3- жилд, Т.: Ўзбекистон, 2019.-Б.-56.
3. Каримов И. А. Юксак маънавият- енгилмас куч. Т., Маънавият, 2008.- Б.-31-32.
4. Авесто. Тарихий- адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. Т., Шарқ, 2001.-Б.-13,14,15,116-118, 121-122.
5. Бойс Мери. Зороастрийцы. Верования и обычаи. М., Наука, 1988.-С.-58-62.
6. Ҳ. Ҳамидий. Авестодан Шоҳномага. Т., Шарқ, 2007.- Б.-106.
7. Махмудова Г.Т. Авестонинг фалсафий моҳияти. Т., НОСИР, 2015.- С.-97.
8. Хўжамуродов И.Р. Авестода маънавият масаласи// Мулоқот, 1996 йил 1-сони, Б.-47-51.
9. Хўжамуродов И.Р. “Авесто”да эътиқод масаласи// Ўзбекистон Аграр фани хабарномаси. №1(51) сони, 2013 йил, Б.- 102-104.

³ Шавкат Мирзиёев. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3- жилд, Т.: Ўзбекистон, 2019. Б.-56.